# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 10 август, № 161 (8784) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ МАКОНИГА АЙЛАНМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан 7 — 9 август кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.**





Президент Шавкат Мирзиёев 9 август куни Остона шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг олтинчи Маслаҳат учрашувида иштирок этди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев раислигида ўтган тадбирда Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов, шунингдек, фахрий меҳмонлар сифатида Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев ва БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Каха Имнадзе ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, минтақада кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш, жумладан, сиёсий мулоқотни ривожлантириш, савдо, инвестициялар, транспорт, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва экология соҳаларида қўшма дастур ва лойиҳаларни илгари суриш, маданий-гуманитар алмашинувни фаоллаштириш, шунингдек, замонавий таҳдид ва хатарларга қарши чора кўриш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида минтақада бирдамлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги умумий саъй-ҳаракатларни юқори баҳолади.

— Очиқ ва самарали мулоқотларимиз, илгари сурилган муҳим ташаббуслар, ишга туширилган кўп томонлама лойиҳалар ва дастурлар, амалга оширилган кўплаб қўшма тадбирлар ва шу каби бошқа ҳаракатларимиз минтақа қиёфасини ва имижини тубдан ўзгартирди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Минтақа мамлакатлари самарали ҳамкорлик қилиб, муҳим масалаларни ҳал эта бошлагани таъкидланди. Ўзаро савдо, инвестициялар, юк ташиш ҳажми, фуқароларнинг ташрифлари бир неча баробар ортди. Хорижий давлатларнинг минтақага қизиқиши сезиларли даражада ошди, "Марказий Осиё плюс" форматидаги турли учрашувлар шундан далолат беради.

— Бугун биз умумминтақавий ўзига хосликни шакллантириш жараёни бошлангани ҳақида ишонч билан айтишимиз мумкин, — деди Ўзбекистон Президенти.

Давлатимиз раҳбари ҳамкасбларининг минтақавий ўзаро ҳамкорлик механизмлари ва институтларини ишга тушириш, жумладан, миллий координаторлар, тармоқ вазирликлари ва идоралари вакиллари учрашувлари бўйича таклифларини қўллаб-қувватлади.

➡ 2

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

Қадрли ҳамкасблар!

Қозоғистон Республикаси Президенти ҳурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаевга анъанавий дўстона қабул ва саммит юксак даражада ташкил этилгани учун билдирилган самимий миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Ҳурматли Қосим-Жомарт Кемелевич, сизнинг минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва мамлакатларимизнинг умумий манфаатларини илгари суриш йўлидаги фаол саъй-ҳаракатларингизни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Сизнинг ташрифимиз арафасида эълон қилинган "Марказий Осиё Ренессанси: барқарор тараққиёт ва фаровонлик сари" дастурий мақолангизда биргаликда олиб бораётган ишларимиз ва янги босқичда минтақавий кооперация истиқболларини чуқур таҳлил қилиб бергансиз.

Олти йил олдин айнан шу ерда, Остонада биз биринчи Маслаҳат учрашувини ўтказган эдик.

Ўтган давр мобайнида барча мамлакатларимизда, ҳеч муболағасиз, тарихий учрашувлар — саммитлар бўлиб ўтди. Кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик солномасида янги саҳифа очдик.

Очиқ ва самарали мулоқотларимиз, илгари сурилган муҳим ташаббуслар, ишга туширилган кўп томонлама лойиҳалар ва дастурлар, амалга оширилган кўплаб қўшма тадбирлар ва шу каби бошқа ҳаракатларимиз минтақа қиёфасини ва имижини тубдан ўзгартирди.

Биз самарали ҳамкорлик қилиб, муҳим масалаларни ҳал қила бошладик. Ўзаро савдо, инвестиция, юк ташиш, фуқароларнинг ташрифлари ҳажми бир неча баробар кўпайди.

Ташқи шерикларимиз томонидан амалий қизиқиш сезиларли даражада ортди. Юқорида айтилганидек, "Марказий Осиё плюс" форматидаги турли учрашувлар шундан далолат беради.

Бугун биз умумминтақавий ўзига хосликни шакллантириш жараёни бошлангани ҳақида ишонч билан айтишимиз мумкин.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимга бирдамлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, мамлакатларимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналиши сифатида минтақадаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги умумий саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаганликлари учун миннатдорлик билдираман.

Мен бугун минтақавий ўзаро ҳамкорлик механизмлари ва институтларини ишга тушириш, жумладан, миллий координаторлар, тармоқ вазирликлари ва идоралари вакиллари учрашувлари бўйича билдирилган таклифларни қўллаб-қувватлайман.

Ҳозирги босқичда биз қабул қилган қарорларни амалга ошириш ва қўшма лойиҳаларни илгари суриш учун самарали воситалар керак, деб ҳисоблайман.

Умуман олганда, минтақавий интеграцияни чуқурлаштириш ва узоқ муддатли шериклик кун тартибини бойитиш учун Маслаҳат учрашуви форматини янада такомиллаштириш масалаларини биргаликда кўриб чиқиш вақти келди, деб ҳисоблайман.

Шу мақсадда биз минтақа мамлакатлари етакчи таҳлил марказлари ва илмий-тадқиқот институтларининг Марказий Осиё эксперт форумининг навбатдаги йиғилишини Ўзбекистонда ўтказишни таклиф қиламиз. Уларнинг концептуал тавсиялари ва таклифларини кейинги саммитимиз давомида биргаликда кўриб чиқишимиз мумкин.

Ҳурматли учрашув иштирокчилари!

Марказий Осиё ўзининг геосиёсий жойлашуви туфайли глобал ишонч инқирози ва можаролар кескинлашувининг барча салбий оқибатларини тўлиқ бошдан кечирмоқда.

Украина атрофида ва Яқин Шарқда содир бўлаётган воқеалар минтақанинг барқарор ривожланишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмоқда. Анъанавий савдо ва транспорт занжирлари бузилди. Биз санкциялар сиёсатининг асирига айландик, логистика харажатлари сезиларли даражада ошди, инфляция босими кучаймоқда. Жаҳон капитал бозорида имкониятлар қисқармоқда, протекционизм кучайиб, янги-янги тўсиқлар пайдо бўлмоқда.

Минтақамиз барқарорлигининг муҳим омили ҳисобланган қўшни Афғонистондаги вазиятнинг ривожланиши билан боғлиқ масалалар халқаро кун тартибида иккинчи даражага тушиб қолди.

Шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, Марказий Осиёнинг бугуни ва келажаги, мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги кўп жиҳатдан умумий саъй-ҳаракатларимизга, яқиндан ҳамкорлик қилиш, қатъий чоралар кўриш ва минтақа манфаатларини биргаликда илгари суришга тайёрлигимизга боғлиқ.

➡ 2

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 август куни япон томонининг ташаббуси билан Япония Бош вазири Фумио Кишида билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Давлатимиз раҳбари Японияннинг Жануби-Шарқида кучли зилзила рўй бергани ва цунами кутилаётганидан хавотир билдирди.

Ўзбекистон Япония томонининг "Марказий Осиё + Япония" биринчи саммитини ўтказиш ва Бош вазир Кишиданинг жорий йил 10-11 август кунларига режалаштирилган мамлакатимизга расмий ташрифи муддатларини кўчириш тўғрисидаги қарорини тўлиқ тушуниши таъкидланди.

Тайёргарлик тадбирларини давом эттириш ва ташрифни ташкил этишнинг янги муддатларини дипломатик каналлар орқали келишишга аҳдлашиб олинди.

# ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ПАРИЖ ОЛИМПИАДАСИ ҒОЛИБЛАРИНИ ТАБРИКЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев Париж Олимпиадасида ўз вазн тоифаларида барча рақибларини мағлуб этиб, олтин медалларни қўлга киритган ҳамда икки карра олимпия чемпионига айланган таэквондочимиз Улуғбек Рашитов ва боксчимиз Ҳасанбой Дўсматов билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Давлатимиз раҳбари спортчиларни қизғин табриклаб, терма жамоамиз томонидан бир кун ичида Олимпиаданинг иккита олтин медали қўлга киритилгани Ўзбекистон спорти учун тарихий воқеа бўлганини катта мамнуният билан қайд этди. Йигитларимизнинг дадил ва ишончли чиқишлари, юксак маҳорати ва мардлиги чинакам қаҳрамонлик намунаси бўлгани, Янги Ўзбекистоннинг ёшлари нималарга қодир эканини кўрсатгани, халқимизга улкан куч ва ғурур бағишлаганини таъкидлади. Мураббийлари, ота-онаси ва яқинларига миннатдорлик билдирди.

Улуғбек Рашитов ва Ҳасанбой Дўсматов алоҳида эътибор ва юксак ишонч, спортчиларга барча шароитлар яратилгани учун давлатимиз раҳбарига ташаккур изҳор этиб, ғалабаларини Янги Ўзбекистонга бағишлашларини айтдилар.

**ЎзА.**

# ЎЗБЕКИСТОН ҚУРУВЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли дўстлар!

Аввало, ўз ҳаётини дунёдаги энг шарафли касблардан бири бўлган қурилиш соҳасига бағишлаган сиз, азизларни қутлуғ касб байрамингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ҳеч шубҳасиз, бугун биз кўп миллатли халқимиз билан биргаликда барпо этаётган Янги Ўзбекистонда юз бераётган энг муҳим ўзгаришлар ҳақида сўз юритганда, барча минтақа ва ҳудудларимизни қамраб олган кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари ҳақида алоҳида фикр юритишимиз табиийдир.

Чиндан ҳам, сўнгги йилларда юртимиз улкан қурилиш ва бунёдкорлик мамлакатига айланди. Халқимизнинг кўз ўнгида қад ростлаётган замонавий тураржойлар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш мажмуалари, муҳандислик-коммуникация, йўл ва транспорт тармоқлари, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт муассасалари, боғ ва хиёбонлар, обод шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида сизларнинг беқиёс куч-ғайратингиз, юксак салоҳият ва маҳоратингиз мужассам эканини эътироф этган ҳолда барчангизни янги ҳаёт бунёдкорлари дея эъзозлаб, фидокорона меҳнатингиз учун чин дилдан ташаккур билдирамиз.

Қадрли бунёдкорлар!

Маълумки, ҳозирги кунда қурилиш соҳаси мамлакатимиз иқтисодиётининг таянч тармоқларидан бирига айланмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида қурилиш ишлари ҳажми 2023 йилга нисбатан 10 фоиздан зиёд ортиб, салкам 80 триллион сўмга етгани, соҳанинг ялпи ички маҳсулотимиздаги улуши 6 фоиздан кўпроқни ташкил этаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Энг асосийси, барча соҳалар қатори қурилиш тармоғидаги улкан ишларимиз ҳам инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳаётий манфаатларини таъминлашга қаратилмоқда. Ўтган йили биргина инвестиция дастури доирасида 2 минг 526 та ижтимоий ва инфратузилма объектларида қурилиш ва реконструкция ишлари бажарилгани, "Ташаббусли бюджет" тизими асосида маҳаллаларимиздаги 4 мингдан ортиқ объектда 4,5 триллион сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилгани ҳам шундан далолат беради.

Айниқса, кейинги йилларда халқимиз учун замонавий уй-жойлар барпо этиш бўйича мисли кўрилмаган натижалар қўлга киритилаётганини таъкидлаш лозим. Охирги етти ярим йилда жами 412 мингта квартирадан иборат ёки 26 миллион квадрат метрлик қарийб 10 мингта уй-жойлар барпо этилгани мисолида бунга тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Бу ишларимизнинг давоми сифатида жорий йилда 52 та ҳудудда "Янги Ўзбекистон" массивлари бунёд этилмоқда. "Янги Тошкент" ва Олимпия шаҳарчаси каби мегаобъектларимизда ҳам бунёдкорлик ишлари юқори суръатлар билан олиб борилмоқда. Соҳада "яшил" стандартлар, энергияни тежайдиган янги технологиялар, "ақлли шаҳар", "ақлли уй" тамойиллари фаол қўлланмоқда.

Қурилиш соҳасида биринчи марта юқори малакали кадрлар, мустаҳкам материаллар, машина ва механизмлар базаси ҳамда мезонларни ўзида ифода этадиган ресурслар миллий классификатори шаклланди, мутахассисларни сертификатлаш тизими жорий қилиниб, Компетенцияни ривожлантириш институти ташкил этилди.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Қурилиш соҳасини бугунги шиддатли замон талабларига мос ҳолда ривожлантириш, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва уларнинг ижроси бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатиш бугунги кунда ғоят долзарб аҳамиятга эга.

Шунингдек, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, қурилиш материаллари бозорини тартибга солиш, рақамлаштириш ишларини чуқурлаштириш, бино ва иншоотларда қулай ва экологик хавфсиз яшаш шароитларини яратиш, энергия самарадорлигини ошириш, қурилиш ишлари жараёнида хавфсизлик ва таъсирчан назоратни таъминлаш бўйича олдимизда юксак вазифалар турганини сиз — соҳада катта билим ва тажрибага эга бўлган ишчи ва қурувчи, меъмор ва муҳандислар, олим ва мутахассислар яхши биласиз.

Ишончим комил, сизлар ана шундай мураккаб ва масъулиятли вазифаларни муваффақиятли адо этишда янада жонбозлик кўрсатиб, қурилиш соҳаси равнақини янги босқичга олиб чиқасизлар.

Албатта, соҳа вакилларининг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш, иш ва турмуш шароитларини яхшилаш масалаларига биз бундан буён ҳам устувор аҳамият қаратамиз.

Сиз, азизларни касб байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, туганмас куч-ғайрат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик ва файзу барака тилайман.

Жонажон Ватанимизни ҳар томонлама гўзал ва обод этишда сизларга янги зафар ва омадлар ёр бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

←1 Ташқи сиёсат идораларимиз томонидан стратегик ҳужжат — Минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш концепциясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Қадрли ҳамкасблар!

Амалий минтақавий ҳамкорликнинг, бизнинг нуқтаи назардан, устувор ҳисобланган йўналишларига қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

**Биринчи.** Бизга янги драйверлар, узоқ муддатли истиқболда иқтисодий шерикликни ривожлантиришнинг янги модели керак.

Мамлакатларимиз табиий савдо шериклари бўлиб, миллий иқтисодиётларимиз бир-бирини тўлдиради.

Шу билан бирга, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда мамлакатларимиз умумий товар айланмасида ички минтақавий савдонинг улуши сезиларли даражада эмас. Марказий Осиёда тўлақонли эркин савдо ҳудудини шакллантириш йўлида ҳамон тўсиқлар сақланиб қолмоқда.

Биз халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда таҳлил ўтказдик ва келгуси беш йилда ўзаро савдо ҳажмини икки баробар оширишни таъминлайдиган биринчи навбатдаги чора-тадбирларни белгилаб олдик. Бу беш юздан ортиқ позициядаги товарлардир.

Бу ўринда аввало тариф ва нотариф тўсиқларни бартараф этиш, мувофиқлик сертификатларини ўзаро тан олиш ва регламентларни унификация қилиш, божхона операциялари ва фитосанитария тартиб-таомилларини рақамлаштириш, давлат харидлари жараёнида ўзаро иштирок этиш имкониятларини кўриб чиқиш каби чора-тадбирлар ҳақида гап бормоқда.

Ягона минтақавий бозорни шакллантириш бизнинг узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган стратегик мақсадимиз бўлиши керак.

Ушбу масалаларнинг барчасини кўриб чиқиш учун мамлакатларимиз Бош вазирлари ўринбосарлари даражасида Иқтисодий кенгаш — мунтазам равишда учрашувларни йўлга қўйишни таклиф қиламиз.

Биз шундай биринчи учрашувни келгуси йили Тошкент шаҳрида ташкил қилишга ва унинг доирасида Ҳудудлар форуми ва тармоқ конференциялари, саноат салоҳияти кўргазма-ярмаркаси, экспорт имкониятлари тақдимотларини ташкил этган ҳолда Марказий Осиё бизнес ҳамкорлиги ҳафталигини ўтказишга тайёрмиз.

**Иккинчи.** Саноат кооперациясини ўзаро қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш.

Биз минтақадаги ҳар бир мамлакат билан аллақачон бундай ҳамкорлик бўйича муваффақиятли намуналарга эгамиз. Чегараолди ҳамкорликка доир махсус ҳудудлар, замонавий автомобиллар, маиший электроника, фармацевтика препаратлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик кластерлари, логистика марказлари ва инфратузилма лойиҳалари шулар жумласидандир.

Биз кучларимизни бирлаштириб, қисқа қўшилган қиймат занжирларини яратиш, етакчи халқаро компаниялардан инвестиция ва технологияларни жалб қилиш, кооперациянинг янги шаклларини жорий этиш орқали минтақани саноатлаштиришнинг ягона харитасини шакллантиришга эриша оламиз, деб ҳисоблайман.

Ушбу устувор йўналиш бўйича вазирлар даражасида Кенгаш фаолиятини йўлга қўйиш ва дастурий ҳужжат тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, Марказий Осиё инвестиция кенгашини таъсис этиш, минтақа мамлакатлари Инновацион ривожланиш банкини ташкил этиш, қўшма инвестиция форумларини мунтазам ўтказиб бориш ҳам истиқболли масалалар ҳисобланади.

Таъкидлаб айтаман, барча Марказий Осиё давлатларининг инвестициявий жозибадорлиги ушбу йўналишдаги ишларнинг мувофиқлаштирилган ҳолда олиб борилишига боғлиқ.

**Учинчи.** Жаҳон банки хулосасига кўра мамлакатларимиз ҳали ҳам дунёдаги иқтисодиёти энг кам "бирлашган" мамлакатлар қаторида қолмоқда.

Гап ички минтақавий транспорт-коммуникация тармоғи ҳақида бормоқда.

Бундан ташқари, минтақа географиясининг ўзига хослиги туфайли ташқи савдо юкларини ташиш харажатлари улуши товар якуний қийматининг 50 фоизига етмоқда. Бу жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан 4-5 баробар юқори.

Мен самарали транспорт йўлакларини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилишни қўллаб-қувватлаганликлари учун ҳамкасбларимдан миннатдорман.

Бугун кун тартибида Европа Иттифоқи, Хитой, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё ҳамда Яқин Шарқ бозорларига чиқишни таъминловчи кўплаб лойиҳалар мавжуд.

Келишилган тариф сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, миллий ташувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича имтиёз ва преференцияларни қўллаш, транспорт тармоқлари ва инфратузилмасини модернизация қилиш, чегара пунктларининг ўтказиш қобилиятини ошириш, транспорт секторини рақамлаштириш масалалари тизимли ёндашувни талаб қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Транспорт ва транзит тўғрисидаги битимни қабул қилиш бўйича таклифимизни қўллаб-қувватлаганингиз учун миннатдорлик билдираман. Унинг қоидаларини амалга ошириш мақсадида транспорт вазирликлари, ташувчилар ва экспедиторлар, логистика компаниялари ва мутахассислар иштирокида Экспертлик конференциясини ўтказишни таклиф қиламиз.

**Тўртинчи.** Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ишларни мувофиқлаштирилган ҳолда амалга ошириш лозим.

БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг миллий экспертлари ва мутахассислари таъкидлашича, биз нафақат асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича ички минтақавий эҳтиёжларни таъминлашимиз, балки халқаро бозорда мустаҳкам ўринларни эгаллашимиз мумкин.

Аграр ишлаб чиқаришнинг инновацион усуллари, сув тежовчи технологияларни жорий этиш, ҳосилдорликни ошириш, чуқур қайта ишлашни ривожлантириш, селекция соҳасида илмий ишларни кучайтириш, кластерлар ва "ақлли фермалар"ни яратиш муҳимдир.

Тошкент шаҳрида сентябрь ойида БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти билан ҳамкорликда денгизга чиқиш имконияти бўлмаган мамлакатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича халқаро форум ташкил этиш ниятидамиз. Форум доирасида Минтақавий стратегия ишлаб чиқиш учун қишлоқ хўжалиги вазирларининг алоҳида учрашувини ўтказишни таклиф қиламиз.

**Бешинчи.** Глобал иқлим ўзгариши оқибатлари мамлакатларимизнинг ҳар бирида сезилмоқда. Ҳарорат кўтарилиши, музликлар эриши, тошқинлар, қурғоқчиликлар, чанг бўронлари ва бошқа кўплаб табиат ҳодисалари жиддий талафотлар етказишда давом этмоқда.

Жорий йилнинг ноябрь ойида Озарбайжонда бўлиб ўтадиган Иқлим саммити давомида мамлакатларимиз ягона позиция билан чиқишлари мумкин.

Бу ўринда сўз халқаро жамоатчилик, фондлар ва донорлик ташкилотлари эътиборини ушбу ўткир муаммолар, жумладан, Орол фожиасига ечим топишга қаратиш мақсадида минтақадаги экологик вазият ҳақида қўшма тақдимот ўтказиш ҳақида кетмоқда.

Бизнинг янги таклифларимиз қаторида Марказий Осиёни барқарор ривожлантириш комплекс дастури, Трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг минтақавий стратегиясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш масалалари ҳам бор.

**Олтинчи.** Энергетика секторидаги ҳамкорлик айниқса долзарбдир.

Бугунги кунда минтақавий кўламда электр энергияси генерациясини ошириш ва уни учинчи мамлакатларга экспорт қилиш бўйича қатор стратегик лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Бундан ташқари, атом энергетикасини ривожлантириш, углеводородларни етказишни ошириш бўйича режалар мавжуд.

Бу энергетика вазирларининг доимий учрашувлари доирасида мувофиқлаштирилган ишларни олиб бориш учун муҳим йўналишлардан бири, деб ҳисоблайман.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Биз мамлакатларимиз парламентлари ўртасида ўзаро самарали алмашувларни ривожлантиришни юқори баҳолаймиз ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Келгуси ойда қўҳна Хива шаҳрида минтақа мамлакатларининг навбатдаги Парламентлараро форумини ўтказишни режалаштирганмиз.

Маданий-тарихий мероснинг умумийлигини ҳисобга олган ҳолда халқларимизнинг минтақа келажаги учун дахлдорлиги, бирдамлиги, умумий масъулиятни англашини кучайтиришга катта эътибор беришимиз лозим.

Ўйлайманки, "Марказий Осиё тарихи ва маданияти: ягона ўтмиш ва умумий келажак" халқаро медиаплатформасининг тезроқ ишга туширилиши ушбу йўналишда муҳим амалий қадам бўлади.

Минтақа халқларининг ўзаро бир-бирини тушуниши ва бирдамлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида минтақавий ўзига хосликни шакллантиришнинг амалий жиҳатларига бағишланган илмий форум ўтказишни таклиф қиламиз.

"Марказий Осиё ёшлар кун тартиби — 2030"ни илгари суриш ва ёш авлодни ҳамкорлик дастурларига жалб қилиш учун доимий равишда Инновацион ғоялар ва лойиҳалар минтақавий ёшлар танловини ўтказишни таклиф қиламиз.

Марказий Осиё таълим ва академик алмашув дастурини қабул қилиш ва мамлакатларимиздаги етакчи олий ўқув юртларининг дипломларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги битимни ишлаб чиқишни муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, минтақа давлатларининг иқтидорли талабалари ўқиши учун ўзаро келишувлар асосида стипендиялар ажратишни таклиф қиламиз.

Ушбу лойиҳаларни батафсил муҳокама қилиш учун Тошкент шаҳрида октябрь ойида Марказий Осиё биринчи таълим форумини ўтказиш ниятидамиз.

Мамлакатларингиз миллий делегациялари таркибига таълим вазирлари, етакчи университетлари ректорлари, олимлар ва экспертлари қўшилса, биз бундан мамнун бўлар эдик.

Туризм сектори минтақавий ҳамкорликнинг янги драйверига айланиб бормоқда. Мамлакатларимиздаги ички минтақавий туристик оқим улуши сўнгги йилларда сезиларли даражада ошди.

Туристик алмашувни кенгайтириш мақсадида "Битта тур — бутун минтақа" тамойили бўйича миллий ID-карталарни ўзаро тан олиш ва оммавий туристик маҳсулотларни ишлаб чиқиш масалаларини ўрганиб чиқишни таклиф қиламиз.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Бугун биз муҳим ҳужжатларни, шу жумладан, Минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг 2040 йилгача мўлжалланган концепциясини имзолаяпмиз.

Муносабатларимизнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш ва уни янада ривожлантириш учун Марказий Осиёда стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида кўп томонлама битимни имзолашга тайёрлашни таклиф қиламиз.

Ишончим комил, бугунги учрашувнинг сермаҳсул натижалари минтақада дўстлик ва яхши қўшничилик янада мустаҳкамланишига, халқларимизнинг фаровонлиги йўлида ўзаро амалий ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизларнинг барчангизни келгуси йил август ойида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи саммитида иштирок этиш учун Ўзбекистонга таклиф қиламан.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Озарбайжон Республикаси Президенти ҳурматли Илҳом Ҳайдарович Алиевни самимий қутлайман.

Озарбайжоннинг иштироки минтақамизнинг улкан салоҳиятини рўёбга чиқариш учун янги имкониятларни очмоқда.

Бу ўринда гап, энг аввало, савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт ва логистика соҳаларида қўшма кооперация лойиҳаларини илгари суриш, маданий-гуманитар ва сайёҳлик алмашувларини ривожлантириш ҳақида бормоқда.

Биз муваффақиятли кўп томонлама ҳамкорлигимиз борасида бир қатор мисолларни келтиришимиз мумкин. Жумладан, Европага "яшил" энергия етказиб беришни ташкил этиш масаласи экспертлар даражасида ишлаб чиқилмоқда.

Бундан ташқари, халқаро бозорларга чиқадиган самарали транспорт йўлакларини шакллантириш масалалари муҳокама қилинмоқда.

Режалаштирилаётган бизнес-форумлар, саноат кўргазмалари ва бошқа ишбилармонлик тадбирларида озарбайжонлик шерикларимизнинг фаол иштирок этиши тарафдоримиз.

Учрашувимизнинг биринчи қисмида шу йил ноябрда Озарбайжонда бўлиб ўтадиган Иқлим саммитида экологик хатарларнинг олдини олиш бўйича мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатларимиз доирасида қўшма тадбирларни ўтказиш муҳим экани ҳақида гапириб ўтдим.

Яна бир бор ҳурматли Илҳом Ҳайдаровичга Глобал саммитни муваффақиятли ўтказишини тилайман.

Бу шубҳасиз, бизнинг умумий ютуғимиздир.

Учрашувимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Каха Имнадзе жанобларини кўриб турганимдан хурсандман.

Сиз раҳбарлик қилаётган марказ чиндан ҳам минтақавий мулоқотни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшаётганини таъкидламоқчиман.

Яқинда Бош котиб Антониу Гутерриш жаноблари минтақамиз мамлакатларига ташриф буюриб, Марказий Осиёда жадал яқинлашув ва интеграция жараёнларига юксак баҳо бергани ва қатъий қўллаб-қувватлагани сўзимнинг тасдиғидир.

У кишига бизнинг энг эзгу тилакларимизни етказишингизни сўрайман.

Ҳурматли Қосим-Жомарт Кемелевичга саммитимизни юксак даражада ташкил этгани учун яна бир бор миннатдорлик изҳор этаман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ МАКОНИГА АЙЛАНМОҚДА

←1 Ҳозирги босқичда қабул қилинаётган қарорларни амалга ошириш ва қўшма лойиҳаларни илгари суриш учун таъсирчан воситалар кераклигини таъкидлади.

— Минтақавий интеграцияни чуқурлаштириш ва узоқ муддатли шериклик кун тартибини бойитиш учун Маслаҳат учрашуви форматини янада такомиллаштириш масалаларини биргаликда кўриб чиқиш вақти келди, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Ушбу масалалар юзасидан концептуал тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш учун Марказий Осиё эксперт форумининг навбатдаги йиғилишини мамлакатимизда ўтказиш таклиф этилди.

Дунёдаги ҳозирги вазиятга тўхталиб, Ўзбекистон Президенти Марказий Осиё ўзининг геосиёсий жойлашуви туфайли глобал ишонч инқирози ва можаролар кескинлашувининг барча салбий оқибатларини бошидан кечираётганини қайд этди.

Анъанавий савдо-транспорт занжирлари бузилди, минтақа мамлакатлари санкция сиёсатининг асирига айланди, логистика харажатлари сезиларли даражада ошди, инфляция босими кучаймоқда, жаҳон капитал бозоридаги имкониятлар қисқармоқда, протекционизм кучаймоқда ва янги-янги тўсиқлар пайдо бўлмоқда.

Бундан ташқари, Афғонистондаги вазиятнинг ривожланиши билан боғлиқ масалалар халқаро кун тартибида иккинчи даражага тушиб қолди.

Марказий Осиё мамлакатларининг фаровонлиги кўп жиҳатдан умумий саъй-ҳаракатларга, яқиндан ҳамкорлик қилиш, қатъий чоралар кўриш ва минтақа манфаатларини биргаликда илгари суришга тайёрликка боғлиқ. Шу муносабат билан стратегик ҳужжат — Минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш концепциясини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Глобал жараёнларнинг Марказий Осиёнинг барқарор ривожланишига таъсири таҳлилидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Президенти минтақада амалий ҳамкорликнинг қатор устувор йўналишларини белгилаб берди.

Биринчи навбатда, узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган иқтисодий шерикликни ривожлантиришнинг янги драйверлари ва модели зарурлиги таъкидланди.

— Мамлакатларимиз табиий савдо шериклари бўлиб, миллий иқтисодиётларимиз бир-бирини тўлдиради, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу билан бирга, бугунги кунда мамлакатларимиз умумий товар айланмасида минтақавий савдонинг улуши кичик. Минтақада тўлақонли эркин савдо ҳудудини шакллантириш йўлидаги тўсиқлар сақланиб қолмоқда.

Таҳлилларга кўра биринчи навбатдаги чора-тадбирларни амалга ошириш яқин беш йилда ўзаро савдо ҳажмини икки баробар кўпайтириш имконини бериши таъкидланди.

Тариф ва нотариф тўсиқларни бартараф этиш, мувофиқлик сертификатларини ўзаро тан олиш ва регламентларни унификация қилиш, божхона операциялари ва фитосанитария тартиб-таомилларини рақамлаштириш, давлат харидларидан фойдаланишни ўзаро енгиллаштириш имкониятларини кўриб чиқиш шулар жумласидан.

Ягона минтақавий бозорни шакллантириш узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган стратегик мақсад бўлиши керак.

Давлатимиз раҳбари бу масалаларнинг барчасини кўриб чиқиш учун Иқтисодий кенгаш — Бош вазир ўринбосарлари даражасида мунтазам учрашувларни йўлга қўйиш таклифини билдирди.

Ўзбекистон келгуси йилда ушбу учрашувнинг биринчисини қабул қилишга ҳамда унинг доирасида Ҳудудлар форуми ва тармоқ конференциялари, саноат салоҳияти кўргазма-ярмаркаси, экспорт имкониятлари тақдимотларини ташкил этган ҳолда Марказий Осиё бизнес ҳамкорлиги ҳафталигини ўтказишга тайёр.

Саноат кооперациясини рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада муваффақиятли мисоллар мавжуд. Хусусан, чегараолди ҳамкорликка доир махсус ҳудудлар, замонавий автомобиллар, маиший электроника, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳалари, аграр ва тўқимачилик кластерлари, логистика марказлари ва инфратузилма объектлари мавжуд.

— Биз кучларимизни бирлаштириб, қисқа қўшилган қиймат занжирларини яратиш, етакчи халқаро компаниялардан инвестиция ва технологияларни жалб қилиш, кооперациянинг янги шаклларини жорий этиш орқали минтақани саноатлаштиришнинг ягона харитасини шакллантиришга эриша оламиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Бу борада вазирлар даражасида Кенгаш таъсис этиш ва дастурий ҳужжат тайёрлаш таклиф этилди.

Шунингдек, Марказий Осиё инвестиция кенгаши, Инновацион ривожланиш банкини таъсис этиш, қўшма инвестиция форумларини мунтазам ўтказиб бориш масалалари ҳам истиқболли экани таъкидланди.

Минтақавий транспорт-коммуникация тармоғини ривожлантириш ҳамкорликнинг яна бир устувор йўналиши сифатида қайд этилди. Минтақанинг географик хусусиятларидан келиб чиқиб, ташқи савдо юкларини ташиш харажатларининг улуши товарлар якуний қийматининг 50 фоизигача етаётгани, бу эса жаҳон ўртача кўрсаткичидан тўрт-беш баробар юқори эканига эътибор қаратилди.

Шу муносабат билан келишилган тариф сиёсатини шакллантириш ва ўтказиш, миллий ташувчиларни қўллаб-қувватлаш учун имтиёз ва преференцияларни қўллаш, транспорт тармоғи ва инфратузилмасини модернизация қилиш, чегара пунктларининг ўтказиш қобилиятини ошириш, транспорт соҳасини рақамлаштириш масалалари тизимли ёндашувни талаб қилади.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштириб бориш зарурлиги таъкидланди. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти экспертларининг ҳисоб-китобларига кўра Марказий Осиё мамлакатлари нафақат асосий озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириши, балки халқаро бозорда мустаҳкам ўрин эгаллаши мумкин.

Бунинг учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва сувни тежашнинг инновацион технологияларини жорий этиш, ҳосилдорликни ошириш, чуқур қайта ишлашни ривожлантириш, селекция соҳасидаги илмий ишларни кучайтириш, кластер ва "ақлли" фермер хўжаликларини ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Ушбу соҳадаги Минтақавий стратегияни ишлаб чиқиш мақсадида жорий йил сентябрь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Денгизга чиқиш имконига эга бўлмаган мамлакатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича халқаро форум доирасида минтақа қишлоқ хўжалиги вазирларининг учрашувини ўтказиш таклиф этилди.

Давлатимиз раҳбари иқлим ўзгариши муаммоларига алоҳида эътибор қаратди. Ҳарорат кўтарилиши, музликлар эриши, тошқинлар, қурғоқчиликлар, чанг бўронлари ва бошқа кўплаб табиат ҳодисалари жиддий талафотлар етказишда давом этмоқда.

— Жорий йилнинг ноябрь ойида Озарбайжонда бўлиб ўтадиган Иқлим саммити давомида мамлакатларимиз ягона позиция билан чиқишлари мумкин. Бу ўринда сўз халқаро жамоатчилик, фондлар ва донорлик ташкилотлари эътиборини ушбу ўткир муаммолар, жумладан, Орол фожиасига ечим топишга қаратиш мақсадида минтақадаги экологик вазият ҳақида қўшма тақдимот ўтказиш ҳақида кетмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шунингдек, Марказий Осиёни барқарор ривожлантириш комплекс дастури ва Трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича минтақавий стратегияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таклиф этилди.

Энергетика соҳасидаги ҳамкорлик минтақа мамлакатлари ҳамкорлигининг асосий йўналиши сифатида қайд этилди. Бугунги кунда минтақавий миқёсда электр энергияси ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уни учинчи мамлакатларга экспорт қилиш бўйича қатор стратегик лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Бундан ташқари, атом энергетикасини ривожлантириш, углеводородлар етказиб беришни кўпайтириш режалари ҳам бор.

Ўзбекистон Президенти минтақа мамлакатлари парламентлари ўртасидаги самарали алмашинувларни ривожлантиришга юқори баҳо берди ва буни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини билдирди. Шу муносабат билан навбатдаги Парламентлараро форумни келгуси ойда Хива шаҳрида ўтказишни таклиф қилди.

Гуманитар соҳадаги ҳамкорлик масалаларига тўхталар экан, давлатимиз раҳбари "маданий-тарихий мероснинг умумийлигини ҳисобга олган ҳолда халқларимизнинг минтақа келажаги учун дахлдорлиги, бирдамлиги, умумий масъулиятни англашини кучайтиришга катта эътибор бериш лозим"лигини таъкидлади.

"Марказий Осиё тарихи ва маданияти: ягона ўтмиш ва умумий келажак" халқаро медиаплатформасининг тез фурсатда ишга туширилиши бу борада муҳим амалий қадам бўлади.

Минтақа халқларининг ўзаро бир-бирини тушуниши ва бирдамлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида минтақавий ўзига хосликни шакллантиришнинг амалий жиҳатларига бағишланган илмий форум ўтказиш таклиф этилди.

Инновацион ғоялар ва лойиҳалар минтақавий танловининг мунтазам ўтказилиши "Марказий Осиё ёшлари кун тартиби — 2030"ни илгари суриш ва ёш авлодни ҳамкорлик дастурларига жалб этишга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти таълим соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қатор ташаббусларни илгари сурди. Марказий Осиё таълим ва академик алмашув дастурини қабул қилиш ва етакчи олий ўқув юртларининг дипломларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги битимни ишлаб чиқиш, иқтидорли талабалар ўқиши учун ўзаро келишувлар асосида стипендиялар ажратиш муҳимлиги қайд этилди.

Ушбу масалаларни атрофлича муҳокама қилиш учун октябрь ойида Тошкент шаҳрида биринчи Марказий Осиё таълим форуми ўтказилиши режалаштирилган.

Минтақавий шерикликнинг янги драйвери сифатида туризм соҳаси белгиланди. Туризм алмашинувини кенгайтириш мақсадида миллий ID-карталарни ўзаро тан олиш масаласини ўрганиш ва "Битта тур — бутун минтақа" тамойили асосида оммавий туризм маҳсулотларини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Сўзининг якунида Президентимиз Минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг 2040 йилгача мўлжалланган концепцияси қабул қилинишини қўллаб-қувватлади ҳамда Марказий Осиёда стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги кўп томонлама битимни тайёрлашни таклиф қилди.

Ўзбекистон раҳбари ушбу учрашувнинг самарали натижалари Марказий Осиёда дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари янада мустаҳкамланишига, минтақа халқлари фаровонлиги йўлида амалий ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Президентимиз Марказий Осиё давлатлари раҳбарларини келгуси йилда бўлиб ўтадиган еттинчи саммитда иштирок этиш учун Ўзбекистонга таклиф қилди.

Навбатдаги Маслаҳат учрашуви доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга минтақа давлатлари ўртасидаги дўстлик, қўшничилик ва ўзаро англашувни ривожлантиришдаги алоҳида хизматлари учун Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Фахрий нишонини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиё етакчиларига миннатдорлик билдириб, ушбу юксак мукофот мамлакатларимизнинг минтақавий ҳамкорлик ва стратегик шерикликни мустаҳкамлашдаги умумий ютуқларининг эътирофи эканини таъкидлади.

— Сиёсий ирода ва биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли бугун Марказий Осиё қўшничилик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва барқарор тараққиёт маконига айланмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев ўз нутқида.

Мувофиқлаштирилган фаолият натижасида товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажми бир неча баробар кўпайди, кенг кўламли ҳамкорлик лойиҳалари амалга оширилмоқда, чегараолди савдо ҳудудлари, қўшилган қиймат занжирлари, замонавий транспорт ва энергетика инфратузилмаси барпо этилмоқда.

Бирдамлик ва минтақавий ўзига хослик туйғуси тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Энг муҳими, ушбу ижобий ўзгаришларни минтақа мамлакатлари фуқаролари ўз кундалик ҳаётида ҳис қилмоқда.

Халқаро субъектликнинг мустаҳкамланиши ва минтақанинг юқори жозибадорлиги туфайли Марказий Осиё иқтисодий фаоллик марказига, Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жанубни боғловчи транспорт-коммуникация кўпригига айланаётгани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари муҳим ташаббус ва қарорларнинг тизимли равишда амалга оширилиши натижасида минтақа мамлакатларининг яқинлашув жараёни барқарор, изчил ва ортга қайтмас тус олганини алоҳида таъкидлади.

Якунда Шавкат Мирзиёев етакчиларга юксак мукофот учун яна бир бор миннатдорлик билдириб, Марказий Осиёни тинч ва фаровон ҳудудга айлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор мақсади бўлиб қолишини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви доирасида Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Жорий йил июль ойида Тошкентда бўлиб ўтган Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги йиғилишлари, шунингдек, Туркманистон маҳсулотлари кўргазмасининг самарали натижалари мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва иқтисодиётнинг устувор тармоқлари, жумладан, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт соҳаларида кооперация лойиҳаларини илгари суриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳудудлараро алоқаларни кенгайтириш ва маданий-гуманитар алмашинув дастурларини фаоллаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Минтақавий кун тартибидаги масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қозоғистон Республикасига давлат ташрифи якунланди.

**ЎзА.**

**Хитой Халқ Республикаси пойтахти Пекин шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга бағишланган брифинг уюштирилди.**

# ҚАРДОШЛИК ВА ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИДА ЯНГИ ДАВР

*Мамлакатимиз раҳбарининг Қозоғистонга амалга оширган давлат ташрифи халқларимиз ўртасида асрлар давомида мустаҳкамланиб келаётган яхши қўшничилик ва дўстона муносабатларнинг ифодаси ўлароқ стратегик шериклик ҳамда иттифоқчилик алоқаларини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқадиган тарихий воқелик бўлди, десак, янглишмаймиз. Ташрифнинг қизғин воқеалари, давлат раҳбарлари имзолаган ҳужжатлар, янги келишувлар, ҳаётга татбиқ этилган лойиҳалар халқларимиз томонидан кўтаринки руҳда кутиб олинди, парламент вакиллари, халқаро эксперт ва мутахассислар тарафидан юқори баҳоланди.*

**Борий АЛИХОНОВ,**
**Сенатнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси:**



— Асрлар оша ҳаёт чиғириғидан, не-не синовлардан биргаликда ўтган икки қардош халқнинг биродарлиги бугун янги сифат босқичига чиқди, десак, айни ҳақиқат. Юртбошимизнинг Қозоғистонга давлат ташрифи бунинг яна бир ҳаётий тасдиғи бўлди. Ушбу олий даражадаги ташриф давомида қардош халқларимизнинг бир-бирига меҳр-оқибатини, ҳурматини, самимий дўстлигини, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг эса стратегик шериклик ҳамда иттифоқчилик муносабатларини янада юқори даражага кўтарилганини кўрдик.

Икки мамлакат раҳбарлари томонидан 2024 — 2034 йилларга мўлжалланган стратегик шериклик ва иттифоқчилик дастури қабул қилингани чинакам тарихий воқеадир. Ушбу ҳужжат икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг бутунлай янги даври бошланганини кўрсатади.

Музокаралар давомида Парламентлараро форумни таъсис этиш бўйича келишувга эришилгани ҳам қувончли янгилик бўлди. Бу қўшни мамлакатларнинг парламентлараро алоқалари жадал ривожланаётганидан далолат.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг минтақада экологик муаммоларни бартараф этиш, сувдан фойдаланиш масалалари бўйича ёндашувлари бир хил. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев раислигидаги Давлатлараро олий кенгашнинг биринчи мажлисида ҳам ушбу масалага яна бир бор эътибор қаратилиб, соҳада ишончли ҳуқуқий базани шакллантириш, сув хўжалиги объектларини автоматлаштириш ва рақамлаштириш ишлари давом эттирилиши урғуланди.

Буларнинг барчаси, пировардида икки қардош халқнинг мусаффо осмон остида бахтли-саодатли ҳаётини, фаровон турмушини таъминлашга хизмат қилади.

**Малика ҚОДИРХОНОВА,**
**Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси:**



— Бугунги кунда Ўзбекистон ташқи сиёсатида очиқликни таъминлашга қатъий интилмоқда. Зеро, ҳозирги таҳликали замонда бирор-бир мамлакат кўплаб муаммоларни ёлғиз ўзи ҳал қила олмайди. Демак, яхши қўшничилик ришталари жуда ҳам муҳим.

Остона шаҳрида Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикасининг “Олтин Қирон” (“Олтин бургут”) ордени билан тақдирланган бежиз эмас. Айнан Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуслари, қатъий сиёсий иродаси билан бугунги кунда Марказий Осиёда янгича муҳит яратилди. Қўшни давлатлар ўртасида самимий дўстлик, ишончли ҳамкорлик муҳити ҳукм сурмоқда. Ўзбекистон Президенти таклифига кўра ўтказиб келинаётган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари бутун минтақанинг жадал ривожланишига кучли суръат бағишлади.

Ташриф давомида Остона шаҳрида ўзбек халқининг буюк фарзанди, шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳайкалининг тантанали очилиши икки қардош миллат дўстлигининг, мамлакатлар ўртасидаги юксак маданий алоқаларнинг яна бир яққол ифодаси бўлди.

Яна бир аҳамиятли воқеа — Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчилари Сиань — Хоргос — Олмаота — Сариёғоч — Тошкент йўналиши бўйича биринчи юк поездининг етиб келишига бағишланган маросимда ҳам иштирок этди. Ушбу поезд қатнови бизга нима беради? Бу юртимизга импорт қилинаётган маҳсулотларнинг таннархи арзон бўлиши, савдо ҳажми ошиши ва энг асосийси, транспорт харажатлари камайишида муҳим аҳамиятга эга.

Икки томонлама музокаралар якунида Олмаота шаҳрида “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ҳамда Чирчиқ шаҳрида М. Авезов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат университетининг филиаллари тантанали равишда очилгани ҳам жуда қувончли воқеа бўлди. Бу — таълим орқали, ёш мутахассислар орқали халқларимиз янада яқин бўлади, дўст-иноқлигимиз янада мустаҳкамланади, дегани.

**Равшанбек АЛИМОВ,**
**Сенатнинг халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси:**



— Кейинги йилларда Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатлари юқори суръатда ривожланмоқда. Президентимизнинг қўшни давлатга ташрифи буни яна бир бор намоён этди. Жумладан, 2024 — 2034 йилларга мўлжалланган стратегик шериклик ва иттифоқчилик дастури қабул қилинди. Бу, ўз навбатида, икки мамлакатнинг дўстлик ва яхши қўшничилик тамойилларига асосланган ўзаро манфаатли ҳамкорлиги узоқ муддатларга мўлжалланганидан далолат.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда товар айирбошлаш ҳажми икки баробар, қўшма корхоналар сони беш баробар кўпайди, юк ташиш ҳажми ортмоқда, йирик кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ушбу олий даражадаги ташрифга қадар умумий қиймати 7 миллиард долларлик янги битим ва шартномалар портфелининг шакллантирилгани икки давлат саноат кооперациясидаги улкан салоҳиятни яққол тасдиқлайди. Бунда энергетика, транспорт, логистика, металлургия, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳалари, шунингдек, ҳудудлараро ҳамкорликнинг аниқ лойиҳаларига доир муҳим келишувларга эришилган.

Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчилари стратегик шерикликнинг муҳим йўналишларидан бири бўлмиш ҳудудлар ўртасидаги алоқалар истиқболларига алоҳида эътибор қаратишди.

Ташриф доирасида шу вақтгача амалда бўлган Ўзбекистон — Қозоғистон ҳудудлараро форумини барча вилоят ва марказий шаҳарларни қамраб олган ҳолда Ҳудудлар кенгашига айлантириш ҳамда унинг биринчи йиғилишини шу йил кузда Самарқандда ўтказишга қарор қилинди.

Икки мамлакат энергетика қувватларини ошириш ва инфратузилмасини такомиллаштириш, муқобил энергия манбаларини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, транспорт ва транзит соҳасида икки мамлакат ўртасида янги транспорт йўлакларини қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Қисқача айтганда, Ўзбекистон Президентининг Қозоғистонга ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш, дўстликни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадамдир.

Ишончимиз комил, ушбу тарихий ташриф алоқаларимизга янги куч бағишлайди, иқтисодий-ижтимоий ҳамкорлигимизни мустаҳкамлаб, турли соҳаларда ривожланиш учун улкан имкониятлар эшигини очади.

**«Халқ сўзи».**

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШҚИ СИЁСАТ КУРСИ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТАРАҚҚИЁТ ВА ТИНЧЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЙЎЛИДИР

*9 август куни Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг олтинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди. Унда давлатлар раҳбарлари минтақавий ва глобал кун тартибидаги долзарб муаммоларни ҳал этиш йўлларини муҳокама қилди.*

Ўзбекистон Президенти саммитдаги нутқида Марказий Осиё минтақаси доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича бир қатор долзарб ташаббусларни илгари сурди.

Учрашув доирасида Президент Шавкат Мирзиёев минтақа давлатлари ўртасидаги дўстлик, қўшничилик ва ўзаро англашувни ривожлантиришдаги алоҳида хизматлари учун Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Фахрий нишони билан тақдирланди.

Давлатимиз етакчиси юксак мукофотни қабул қилиб олар экан, Марказий Осиёни тинч-фаровон ҳудудга айлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор мақсади бўлиб қолишини алоҳида таъкидлади.

Шу ўринда қайд этиш керакки, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг олтинчи Маслаҳат учрашувида Ўзбекистон Президенти томонидан минтақамизни бир оила сифатида шакллантириш, тинчлик ва тараққиёт манзилига айлантириш бўйича илгари сурилган муҳим ташаббус ҳамда таклифлар хорижий экспертларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

**Калнур ОРМУШЕВ,**
**Қирғизистон Президенти ҳузуридаги Миллий стратегик тадқиқотлар институти экспертлар кенгаши аъзоси, сиёсатшунос:**



— Ташриф икки давлат ўртасидаги муносабатлар, дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлидаги навбатдаги қадам ва шу билан бирга, конструктив, ўзаро манфаатли шериклик намунаси бўлди.

Минтақавий консолидация ғояси тарафдорлари бўлган Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчиларининг глобал ва минтақавий сиёсат масалаларида бир-бирини очиқ қўллаб-қувватлаётгани Марказий Осиёда қулай сиёсий муҳитни тиклаш, минтақамизни ўзгартиришда, шунингдек, барқарор, инвестициявий жозибадор, обод ҳудудга айланишида муҳим омил бўлмоқда.

Бу, айниқса, сайёрамизнинг турли минтақаларида, жумладан, бизга яқин ҳудудларда содир бўлаётган глобал инқирозлар шароитида жуда муҳим.

**Жан-Антуан ДЮПРА,**
**Европада прогнозлаш ва хавфсизлик институти эксперти (Франция):**



— Марказий Осиё минтақасининг икки йирик давлати — Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги алоқалар тобора мустаҳкамланиб, бир-бирини тўлдирувчи хусусият касб этмоқда. Ҳар икки давлат ҳам бутун Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва фаровонликни таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон Президенти Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини ўтказиш ташаббуси билан чиққанидан буён кетма-кет бешта саммит, шунингдек, саноат, савдо, транспорт, энергия ва иқлим ўзгаришига қарши кураш, сув ресурсларини бошқариш каби соҳаларда кўп томонлама ҳамкорлик ташаббуслари илгари сурилган кўплаб форум ва учрашувлар ташкил этилди. Ушбу учрашувлар бутун минтақада барқарор ҳисобланган ва улкан салоҳиятга эга қулай инвестициявий муҳитни яратишга катта ёрдам берди. Хавфсизликни мустаҳкамлаш, маданий-гуманитар алмашинувни ривожлантириш борасида ҳам салмоқли ютуқларга эришилди.

Умуман, буларнинг барчаси икки томонлама ва минтақавий саммитлар орқали Марказий Осиё ҳамда унинг ҳар бир давлати учун фойдали бўлган истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, айни чоғда уларнинг халқаро салмоғи ва геосиёсий ролини мустаҳкамлаш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

**Солиҳ ЙИЛМАЗ,**
**«RUSEN» Россия ва МДҲ мамлакатларини ўрганиш маркази директори (Туркия):**



— Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчиларининг учрашувларидаги энг муҳим жиҳатлардан бири — бу Давлатлараро олий кенгашнинг биринчи мажлиси ўтказилгани бўлди. Унда томонлар Парламентлараро форумни таъсис қилиш, Экспертлар кенгашининг қизғин ишини давом эттириш бўйича келишувга эришди. Шунингдек, ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган 2024 — 2034 йилларга мўлжалланган стратегик шериклик ва иттифоқчилик дастури қабул қилинди.

Яқин йилларда товар айирбошлаш ҳажмини 10 миллиард долларга етказиш имконияти тўғрисидаги томонларнинг келишуви икки давлатнинг фойдаланилмаган иқтисодий салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга қатъий қарор қилганидан далолат беради.

Бу йўналишда транспорт ва логистика соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки айнан транспорт-логистика соҳаси икки давлатнинг геостратегик позициясидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларининг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Умуман, Ўзбекистон Президентининг Қозоғистонга давлат ташрифи натижалари қўйилган мақсадларга эришишда кучли рағбат бўлиб хизмат қилишига ишонаман.

**Шаҳид ТАСЛИМ,**
**Жамия Миллия Исламия Марказий университети хорижий тиллар департаменти раҳбари, профессор (Ҳиндистон):**



— Муҳим воқеаларга бойлиги билан ажралиб турган ташриф чоғида академик ва олий таълим соҳасининг вакили сифатида эътиборимни тортган муҳим жиҳатлардан бири — бу икки мамлакат ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорлик бўйича 2024-2025 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси қабул қилингани ҳамда Олмаота шаҳрида “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ҳамда Чирчиқ шаҳрида Мухтор Авезов номидаги Жанубий Қозоғистон университети филиаллари фаолияти йўлга қўйилгани бўлди. Ушбу саъй-ҳаракатлар ёш авлод вакиллари ўртасидаги дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашга, ўзаро англашув чуқурлашувига ҳамда умумий қадриятлар ривожига хизмат қилади.

Университетимизда 20 йилдан бери ўзбек тили курслари фаолият юритади. Талабаларнинг ўзбек тили ва адабиёти, Ўзбекистон тарихи ва замонавий тараққиётига бўлган қизиқиши ниҳоятда катта. Шу маънода, Остона шаҳрида буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилгани ҳақидаги янгиликни хурсандчилик билан кутиб олдик.

Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали маросимда Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, буюк файласуф ва инсонпарвар шоир Мир Алишер Навоийнинг ижодий мероси нафақат ўзбек халқига, балки бутун дунёга тегишли ноёб бойликдир.

**«Дунё» АА.**

# МУШТАРАК ТАРИХ ВА УМУМИЙ ФАРОВОНЛИККА СОДИҚЛИК ИФОДАСИ

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан шу йил 7 — 9 август кунлари ушбу мамлакатга давлат ташрифи кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш билан бирга, мамлакатлар ўртасидаги шериклик ва дўстлик муносабатларида янги саҳифа очди.*

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ушбу ташрифнинг аҳамияти, ўзбек — қозоқ алоқалари кейинги йилларда тобора мустаҳкамланиб бораётгани ҳақида ўз муносабатларини билдирди.*

## Муваффақиятли минтақавий ҳамкорлик модели

**Акшагул ТЎЛЕГЕНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:**



— Қардош ўзбек ва қозоқ халқларини кўп асрлик дўстлик ва биродарлик муносабатлари боғлаб туради. Сўнгги йилларда ҳар икки давлат ҳам минтақавий шериклик кун тартибини изчил ривожлантирмоқда. Ҳамкорликнинг барча йўналишида сезиларли ютуқларга эришилди.

Давлатларимиз ўртасида имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома нафақат Қозоғистон ва Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиёдаги яқин ҳамкорликнинг ёрқин исботи бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик Марказий Осиёнинг геосиёсий манзарасини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Айтиш керакки, икки давлат ўртасидаги шериклик муваффақиятли минтақавий ҳамкорлик модели бўлиб, дунё ҳамжамияти эътиборини тортмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ушбу мамлакатга давлат ташрифи, шубҳасиз, муҳим сиёсий воқелик сифатида барча соҳадаги икки томонлама муносабатларнинг сифат жиҳатдан юқори даражага чиқишига хизмат қилади.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг Қозоғистон Республикасининг юксак мукофоти — “Олтин Қирон” (“Олтин бургут”) ордени билан тақдирланиши икки халқнинг кўп асрлик чинакам дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини мустаҳкамлаш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларига берилган баҳодир.

Бу Ўзбекистон ва Қозоғистон муносабатларини янги тарихий босқич — стратегик шериклик ва иттифоқчилик даражасига олиб чиқиш сари муштарак интилишларнинг эътирофи ҳамдир.

Президентимизнинг минтақа давлатлари ўртасидаги дўстлик, қўшничилик ва ўзаро англашувни ривожлантиришдаги алоҳида хизматлари учун Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Фахрий нишони билан тақдирланишини эса мамлакатларимизнинг минтақавий ҳамкорлик ва стратегик шерикликни мустаҳкамлашдаги умумий ютуқларининг эътирофи, десак, янглишмаймиз.

Тарихий ташриф Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларини янги босқичга олиб чиқиб, ҳамкорликни янада кенгайтириш учун замин яратишига ишонаман.

## Шерикликнинг янги уфқлари

**Жуманазар ОТАЖОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси:**



— Давлат ташрифи давомида икки мамлакат раҳбарлари раислигида Давлатлараро олий кенгашнинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Бу, ўз навбатида, мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантиришда тарихий аҳамият касб этиб, ҳамкорликни кенгайтириш учун замин яратади.

Ташриф доирасида ўтказилган Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгаши йиғилишлари, бизнес-форум, сиёсий маслаҳатлашувлар, таҳлилий марказлар форуми, интеллектуал ўйинлар, кўргазмалар ва бошқа кўплаб тадбирлар икки халқнинг қалбан яқинлиги, ҳар томонлама ҳамкорликни чуқурлаштиришга интилишидан далолатдир.

Шу ўринда икки мамлакат ўртасида 2024 — 2034 йилларга мўлжалланган стратегик шериклик ва иттифоқчилик дастури қабул қилинганини ва у Ўзбекистон — Қозоғистон дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларида янги сифат босқичини бошлаб беришини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Давлатлараро олий кенгашнинг биринчи мажлиси давомида давлатимиз раҳбари халқларимиз манфаатларидан келиб чиқиб, бир қатор устувор вазифаларни кўрсатиб ўтди. Хусусан, халқаро тузилмалар доирасида позицияларни мувофиқлаштириш ва умумий манфаатларни самарали илгари суриш муҳим аҳамият касб этиши алоҳида қайд қилинди. Шундай экан, БМТ, ШҲТ, Туркий давлатлар ташкилоти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ва бошқа тузилмалар доирасида яқин ҳамда очиқ мулоқотни давом эттириш икки мамлакат халқлари манфаатига хизмат қилади, деб ўйлайман.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги парламентлараро мулоқот ҳам анча фаоллашди. Томонлар қонун ижодкорлиги, жумладан, халқаро парламент тузилмалари доирасидаги тажрибаларни ўрганиш мақсадида мунтазам равишда делегацияларнинг ўзаро ташрифларини амалга оширмоқда.

Ташриф давомида Президентимиз томонидан Парламентлараро форумни таъсис этиш ташаббуси илгари сурилдики, бу ўз навбатида, давлатларимиз ҳамкорлиги тарихида янги саҳифа очиши билан бирга, келгусида икки мамлакат алоқаларида муҳим босқични бошлаб беради. Энг муҳими, парламентлараро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, шу йўналишдаги мулоқотларни кўпайтириш ҳар томонлама фойдали бўлади.

## Икки халқ бирдамлиги йўлида

**Фирдавс ШАРИПОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:**



— Янги Ўзбекистоннинг ички сиёсатидаги очиқлик ва янгиланишлар, мамлакат ташқи сиёсатида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Президентимизнинг прагматик сиёсати туфайли мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузи тобора мустаҳкамланиб, ташқи алоқалари, биринчи навбатда, қўшни давлатлар билан кенгаймоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Қозоғистонга навбатдаги ташрифи ҳам бу борадаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқиши, шубҳасиз.

Қайд этиш жоиз, давлатлар ўртасида ҳамкорликда ҳудудларнинг ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларининг ўрни катта аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, музокараларда ҳудудлараро алоқаларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Икки мамлакат вилоятлари ва марказий шаҳарларини жалб қилган ҳолда Ҳудудлараро ҳамкорлик форумини Ҳудудлар кенгашига айлантириш ташаббуси илгари сурилди.

Қозоғистон Республикаси билан стратегик йўналиш ҳисобланадиган — озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳамкорлик ҳам узоқ тарихга эга. Буни янада мустаҳкамлаш мақсадида икки мамлакат ҳудудида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва етказиб бериш бўйича аниқ келишувларга эришилди. Шунингдек, ижтимоий соҳаларда ҳам ҳамкорлик масалалари муҳокама марказида бўлди. Маданият, ёшлар, туризм, фан, таълим ва спорт соҳаларидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўйлайманки, Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Қозоғистон билан кўп қиррали муносабатларни ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Мазкур ташриф эса икки қардош халқ ўртасидаги кўп қиррали муносабатларда янги саҳифа очишига ишонаман.

## Буюкликка йўғрилган сиймолар рамзи

**Гулруҳ АГЗАМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси:**

— Давлатимиз раҳбарининг Қозоғистон Республикасига давлат ташрифи тарихий аҳамиятга эга. Айниқса, Остона шаҳрида ўзбек халқининг буюк фарзанди, шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳайкалининг очилиши, энг аввало, унинг ижодий меросига ҳурмат рамзидир. Бу, ўз навбатида, қозоқ халқининг юртимизга чуқур ҳурматининг ёрқин ифодаси, десак, янглишмаймиз.



Ҳазрат Алишер Навоийнинг чегара билмас серқирра ижоди нафақат жаҳон адабиёти меросида, балки давлатчилик бошқарувини ривожлантиришда ҳам ўзига хос ўрни бор. Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат арбоби бўлмиш бобомизнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, маданияти ва адабий-эстетик тафаккури ривожида алоҳида ўрин тутади.

Пойтахтимизнинг марказий майдонларидан бирида ҳайкали қад ростлаган қозоқ халқининг буюк фарзанди Абай Қўнонбоев Алишер Навоийни ўзининг устози деб билган. Бугунги кунда Марказий Осиёда ўз сўзи, ўз қарашлари, дунёдаги глобал ўзгаришлар юзасидан ўзининг қатъий позициясига эга бўлиб бораётган, ўзаро ҳамкорлик стратегиясида интеграциялашувни илгари сураётган икки халқ ўртасидаги дўстона муносабатларни ижобий баҳолар экан, давлатимиз раҳбари, “Алишер Навоий ҳайкали икки халқ ўртасидаги дўстлик ва қардошлик ришталарининг яна бир ёрқин рамзига айланади, унинг мероси эса яна кўплаб авлодларни буюк ютуқларга илҳомлантиради”, деб ишонч билдирди.

Шу нуқтаи назардан айтганда, ушбу тарихий воқеа Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги қардошлик ришталарини янада мустаҳкамлаш баробарида мавжуд ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва конструктив мулоқотни янада ривожлантиришга янги суръат бағишлайди.

## Аниқ таклиф ва амалий ташаббуслар

**Моҳира ХЎЖАЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси:**



— Ўзбек ва қозоқ халқлари азалдан бир-бирига яқин қардош, асрлар давомида синалган шериклардир. Биз бир заминда, бир қуёш остида ўзаро дўст бўлиб яшаб келяпмиз ва бизнинг илдизларимиз ҳам бир.

Дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён Ўзбекистон ва Қозоғистон ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама ҳамда кўп томонлама ҳамкорликнинг динамик моделини намойиш этди. Кейинги йилларда ана шу дўстона муносабат, яқин қўшничилик стратегик шериклик руҳида изчил ривожланмоқда.

Ўзаро яқин алоқалар, очиқ мулоқот бугунги глобал дунёда янги кўринишларда намоён бўляпти. Шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ҳам мамлакатлар ўртасидаги самарали ҳамкорлик амалга оширилмоқда. Минтақавий муаммоларни биргаликда ҳал этиш бўйича Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини мунтазам ўтказиш Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббусидир.

Ўтган бир неча йил ичида айнан давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракати билан Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳамкорлик янги босқичга кўтарилиб, минтақада дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ҳамжиҳатлик муҳити тубдан яхшиланди. Минтақа мамлакатлари самарали ҳамкорлик қилиб, муҳим масалаларни ҳал эта бошлади. Ўзаро савдо, инвестициялар, юк ташиш ҳажми, фуқароларнинг ташрифлари бир неча баробар ортди. Хорижий давлатларнинг минтақага қизиқиши сезиларли даражада ошди.

Давлатимиз раҳбари ташриф давомида Остона шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг олтинчи Маслаҳат учрашувида ҳам иштирок этди ва аниқ таклиф ҳамда амалий ташаббусларни илгари сурди.

Хусусан, иқлим ўзгариши муаммоларига алоҳида эътибор қаратди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ҳарорат кўтарилиши, музликлар эриши, тошқинлар, қурғоқчиликлар, чанг бўронлари ва бошқа кўплаб табиат ҳодисалари жиддий талафотлар етказмоқда.

Бу борада Марказий Осиёни барқарор ривожлантириш бўйича комплекс дастур ва Трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича минтақавий стратегияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таклиф этилдики, шубҳасиз, у узоқни ўйлаб қўйилган муҳим қадам бўлди.

**«Халқ сўзи».**

**Call-марказ аутсорсинг хизматлари кўрсатувчи хорижий корхона Фарғонада 500 иш ўрнига эга филиалини очади.**

Фахр



# АСАДХЎЖА ВА ЛАЗИЗБЕК – ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ ЧЕМПИОНИ

*Париж шаҳрида ўтказилаётган XXXIII ёзги Олимпия ўйинларида юртимиз спортчилари томонидан навбатдаги медаллар шодаси қўлга киритилди.*

Хусусан, бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Асадхўжа Мўйдинхўжаев -71 кг. вазн тоифасида барча рақибини енгиб, Париж Олимпия ўйинлари ғолибига айланди. Юртдошимиз олтин медаль учун муросасиз руҳда кечган финал жангида мексикалик Марко Альваресни 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратишга муваффақ бўлди. У бунгача мисрлик Омар Элавадини, Дания боксчиси Николай Тертерянни ва АҚШ вакили Омари Жонесни таслим қилган эди. 23 ёшли боксчимизнинг мазкур ғалабаси Ўзбекистон спорт



делегацияси ҳисобига тўртинчи олтин медални келтирди.

Бошқа бир боксчимиз (-91 кг) Лазизбек Мулложонов ҳам Олимпия ўйинлари чемпиони бўлиб, спорт тарихига ўз номини киритиб қўйди. Озарбайжон шарафини ҳимоя қилаётган Альфонсо Домингес билан финал жангида Лазизбек рақибига имконият қолдирмай 5:0 натижаси билан олтин медалга сазовор бўлди.



Париж Олимпия ўйинларининг спорт курашларига кирувчи эркин кураш турида -57 килограммгача вазн тоифасида Ғуломжон Абдуллаев эса бронза медали билан тақдирланди. У Қирғизистон вакили Бекзат Алмаз ўғлига қарши кечган беллашувда 5:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

Яна бир эркин курашчимиз, 74 килограммгача вазн тоифасида бел олишаётган Разамбек Жамалов олтин медаль учун баҳсларни давом эттирмоқда. У илк босқичда келиб чиқиши россиялик бўлган нейтрал спортчи Муҳаммадхабиб Гажимагомедовга қарши баҳс олиб борди ва 8:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Шундан сўнг курашчимиз Таймураз Салказанов (Словакия), Чермен Валиев (Албания) ва Виктор Рассадин (Тожикистон) каби рақиблари устидан ғалаба қозонди. Р. Жамалов олтин медаль йўлида япониялик Даичи Такатанига қарши гиламга чиқади.

Ушбу ғалабалардан сўнг Ўзбекистон делегацияси ҳисобидаги медаллар 5 та олтин ва 3 та бронзани ташкил қилмоқда. Кечаги кун якунлари бўйича юртимиз спортчилари умумжамоа ҳисобида 14-ўринга кўтарилиб олди.

**«Халқ сўзи».**

# ҲОКИМ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ РАИСИ БЎЛА ОЛМАСЛИГИ БЕЛГИЛАНМОҚДА



*Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси мажлиси бўлиб ўтди. Унда “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида маҳаллий давлат ҳокимиятининг конституциявий асослари такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.*

## Сенат қўмитасида

Мажлисда сенаторлар, экспертлар гуруҳи ҳамда Ёшлар парламенти аъзолари, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Омбудсман, Адвокатлар палатаси вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тегишли доимий комиссиялари раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда маҳаллий Кенгашларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органлари сифатидаги ролини кучайтириш муҳимлигига, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг янада самарали моделини яратиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Шу нуқтаи назардан, муҳокама этилган қонун билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти янги Конституция тамойилларига мувофиқлаштирилмоқда. Жумладан, ҳоким ва маҳаллий Кенгаш раиси лавозимлари бир-биридан ажратилиб, эндиликда ҳоким маҳаллий Кенгаш раиси бўла олмаслиги белгиланмоқда.

Қонун билан вилоят, туман, шаҳар ҳокими ваколатлари ва вазифаларига айрим ўзгартиришлар киритилмоқда, унга кўра ҳоким ўз номзодини кўриб чиқишда маҳаллий Кенгашга ҳудудни ривожлантириш дастурини тақдим қилиши қайд этилмоқда.

Шу билан бирга, қонунда маҳаллий Кенгаш раиси ваколатлари ҳам кенгайтирилиши назарда тутилган. “Кенгаш сўрови” ва “Кенгаш текшируви” институтлари жорий этилиши белгиланмоқда.

Муҳокама давомида сенаторлар томонидан ушбу қонун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг янада самарали ва демократик тизимини яратишга хизмат қилиши таъкидланди. Шунингдек, қонун маҳаллий Кенгашларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органи сифатидаги ролини кучайтириши, ҳокимлар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг аҳоли олдидаги масъулиятини ошириши, ҳудудий муаммоларни янада самарали ҳал қилишни таъминлаши қайд этилди.

Қизғин муҳокамадан сўнг қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ҲУКУМАТ ҲИСОБОТИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА КИРИТИЛДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасига “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” давлат дастури ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг 2024 йил биринчи ярим йилликда бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи киритилди.*

## Жараён

Таъкидлаш жоизки, ҳисоботда давлат дастури ижроси доирасида эришилган энг муҳим кўрсаткичлар, шу жумладан, макроиқтисодий барқарорлик, инвестиция, экспорт, импорт кўрсаткичлари ҳамда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг изчил ривожланишини таъминлаш, республика ҳудудларининг комплекс ривожланиш даражасини ошириш борасида эришилган натижалар юзасидан батафсил маълумотлар келтириб ўтилган.

Айни кунларда Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва қўмиталар томонидан ушбу ҳисобот атрофлича ўрганиляпти.

Маълумот учун, сиёсий партиялар фракциялари мажлисларида давлат дастурининг бажарилиш ҳолати ҳар томонлама кўриб чиқилиши, шунингдек, Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши назарда тутилмоқда.

**«Халқ сўзи».**

## Қонунчилик палатаси қўмиталарида



# ҚИЗҒИН ФАОЛИЯТ САРҲИСОБИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Мажлисда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг “Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан фойдаланиши билан боғлиқ мақсадли индикаторлари бажарилиши ҳолати тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.

Мунозаралар давомида Давлат бюджетининг мақсадли сарфланишига алоҳида эътибор қаратиш, ажратилган маблағлардан ўз вақтида самарали фойдаланиш, бюджет маълумотларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича қатор таклиф ва тавсиялар берилди.

* * *

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг “Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича соҳада ишларни тизимли ташкил этиш ҳамда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг бажарилиши борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.

* * *

Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 33 йиллигига бағишлаб “Мустақиллик: аҳоли саломатлиги ва миллий тиббиёт ривожига эътибор” мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Унда кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, халқимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу йўлда қатор ислоҳотлар амалга оширилаётгани алоҳида қайд этилди.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Сув кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.

Депутатлар мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши барча иқтисодиёт тармоқларининг ва атроф-муҳитнинг сувга бўлган эҳтиёжини қондириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, сув инфратузилмасининг ва суғориладиган ерларнинг ҳолатини яхшилашга хизмат қилишини таъкидлади.

Масъул қўмитада қонун лойиҳасини такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

* * *

6 август куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев темир йўл соҳасида олиб борилаётган ишлар ва келгуси режаларга оид тақдимот билан танишиш жараёнида галдаги вазифалар, ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб масалалар кўриб чиқилиб, соҳада хизматлар сифати ва экспортни ошириш бўйича кўрсатмалар берганди.

Айни пайтда Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан ушбу жараёнга қаратилган — “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисига биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрланмоқда. Мазкур қонун лойиҳаси тез орада Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилади.

**«Халқ сўзи».**

## Эртага — Қурилиш соҳаси ходимлари куни

# ЯРАТМОҚ ВА БУНЁД ЭТМОҚ ШАРАФИ

*Мамлакатимизда инсон умри азиз, қадри юксак. Амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ва ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш, одамларни ҳаётдан рози қилишдир. Шу маънода, диёримизда халқ манфаатини ўйлаб, кўркам иморатлар, йўл, кўприк, ижтимоий объект ва хиёбонлар барпо этилаётгани аҳоли фаровонлигини юксалтириб, онгу тафаккурини, ҳаётга, меҳнатга муносабатини тубдан ўзгартирди, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлади.*

*Умуман, халқимизнинг бўлаётган ўзгаришларга, янгиланишларга меҳри ўзгача. Шу боис юртимиз бўйлаб ҳар йили кенг тантана қилинаётган қурувчилар касб байрами халқимиз учун ҳам қувончли айёмдир.*

*Бу ҳақда ўзининг самарали меҳнати билан соҳа ривожига ҳисса қўшиб келаётган мутахассислар фикрини ёзиб олдик.*



Сирожиддин ВОҲИДОВ олган сурат.

### Дахлдорлик ҳисси янада изланишга, фидойи бўлишга ундайди

**Тоир АЛИМАТОВ,
Ўзбекистон қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари:**

— Президентимиз Фармони билан 2017 йилдан бошлаб, август ойининг иккинчи якшанбаси мамлакатимизда қурилиш соҳаси ходимлари куни сифатида нишонлаб келинмоқда. Бу юксак эътиборни фидойи меҳнатимиз билан оқлашга ҳаракат қиляпмиз. Хусусан, ўтган йили инвестиция дастури доирасида 2 535 та ижтимоий ва инфратузилма объектида қурилиш ҳамда реконструкция ишлари бажарилди. “Ташаббусли бюджет” тизими асосида маҳаллалардаги 4 700 та объектда 5,5 трлн. сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Аҳоли учун замонавий уй-жойлар барпо этиш борасидаги ишлар кўлами кенгайиб бормоқда. 2017 йилдан то шу кунга қадар 394 898 та хонадондан иборат ёки 26 миллион 50 минг квадрат метрлик 7 888 та уй-жой барпо этилгани қанча-дан-қанча оилаларга қувонч олиб кирди.

2024 йил натижаларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2,5 минг гектар ҳудудда 53 та “Янги Ўзбекистон” массиви бунёд қилиняпти. Ярим йил давомида ушбу массивларда 4,2 минг хонадонли 104 та уй-жойга аҳоли кўчиб кирди. Умуман, жорий йилнинг биринчи ярмида қурилиш ишлари ҳажми 2023 йилнинг шу давридагига нисбатан 10 фоиз ортиб, салкам 80 трлн. сўмга етди. Қурилиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 6 фоиздан кўпроқни ташкил этмоқда. Бу юртимизда архитектура ва қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг жадал суръатларда ривожланиб бораётган тармоқларидан бири эканини кўрсатмоқда.

### Янги Тошкент орзудаги шаҳар бўлади

**Саидазим ШАРИПОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш дирекцияси» шаҳарсозлик ҳужжатларини тайёрлаш бошқармаси бошлиғи:**

— Бунёдкорлик ҳақида гап кетар экан, ҳар жиҳатдан мукаммал ва замонавий талабларга мос мегалойиҳа — Янги Тошкент шаҳри барпо этилаётганига тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ. У “BREEAM” ва “LEED” мувофиқлик сертификатига эга экологик шаҳар бўлиши кўзда тутилган. “Тошкентнинг яшил белбоғи” лойиҳаси айнан шу ердан бошланади. 420 гектар майдонда “Марказий боғ” барпо этилиб, 200 минг туп дарахт экилади.

Лойиҳани амалга оширишда “яшил ва хавфсиз шаҳар” тамойили асосида, пиёдалар ва велосипедларнинг эркин ҳаракатланиши учун қулай шароит яратилади. Шу мақсадда 100 минг автомобиль учун ер ости тураргоҳлари қурилади. Автомобиль қатнови учун 14 та замонавий тунеллар ҳамда Чирчиқ ва Қорасув дарёлари устида 7 та кўприк бунёд этилади. Яна бир эътиборли жиҳати, Марказий Осиёда илк бор “уч генерация” станциясининг қурилишидир. Яъни бу станция орқали электр ишлаб чиқарилади, бинолар кузқишда иситилади, ёзда эса совитилади. Барча электр, алоқа тармоқлари, газ ва сув қувурлари ер тагидан ўтказилади. Тежамкор технологияларни қўллаш ҳисобига, сув сарфи 2 баравар камаяди. Оқова сувлар замонавий технологиялар асосида қайта ишланиб, суғориш ва техник мақсадлар учун йўналтирилади. Энергия истеъмолининг 30 фоиздан зиёди муқобил манбалар — қуёш, гидроэнергетика ва чиқиндиларни қайта ишлаш ҳисобига тўғри келади.

“Ақлли” шаҳарни қуриш жараёнида рақамлаштириш соҳасидаги илғор технологик ечим ва ишланмалар амалиётга татбиқ этилмоқда. Қисқа айтганда, бунёд қилинаётган бу иншоотлар — халқ учун, келажак авлод учун.

### Давр талабига мос иншоотлар — юрт кўрки

**Мираббос ИНОЯТОВ,
«Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертиза қилиш республика маркази» давлат муассасаси директори:**

— Мамлакатимизда йирик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга, осмонўпар биноларни тез ва сифатли барпо қилишга қодир бўлган қурилиш индустрияси шаклланди, соҳа ходимларининг тажрибаси, малакаси юксалди. Мухтасар айтганда, Ўзбекистоннинг қурилиш тизими янги даврга мос тарзда янгиланди.

Шу жиҳатдан, экспертиза бу шунчаки лойиҳа-смета ҳужжатларидан сарф-харажатларни тежаш эмас, балки аҳолига қурилиш объектларини барча талабга жавоб берадиган, сифатли қилиб топширишда муҳим ва бирламчи қадамдир. Бунда объектнинг конструктив ечимидан тортиб, энергосамарадорлик, ёнғин хавфсизлиги сингари талабларнинг бажарилиши, смета кўрсаткичларини профессионал баҳолай билиш ҳар бир эксперт зиммасига катта масъулиятни юклаши даркор.

Соҳани рақамлаштириш орқали шаффофликни таъминлаш ва коррупциявий ҳолатлар эҳтимолини нолга тенглаштириш — олдимиздаги бош вазифа. Бу йўлда кўрилаётган чоралар узлуксиз давом эттирилади.

Экспертиза соҳасини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлардан тураржой, ижтимоий соҳа ва бошқа объектларнинг хавфсизлик ҳамда сифат талабларига мувофиқ лойиҳалаштирилганини мукаммал аниқлаш, ортиқча сарф-харажатларни қисқартириш, лойиҳа-смета ҳужжатларининг давлат экспертизасидан юқори савияда ўтказилишини таъминлаш мақсад қилинган. Зеро, лойиҳа ҳужжатларининг сифатли экспертизаси сифатли қурилиш асосидир.

**Фахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

**Шу йилнинг 10 — 24 август кунлари бутун Ўзбекистон бўйлаб футзал бўйича жаҳон чемпионати кубоги тақдимоти — «Trophy tour» тадбири ўтказилади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 12 771 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.37 Топширилди — 03.25 1 2 3 4 5 6